

Ақийда дарслари (105-дарс). Хабарлар ва нақлларни текшириш



13:02 / 12.10.2020 3184

islom.uz · 012 - ????????? ? ? ????????? ?????????

Ўзи кўрмаган ва эшитмаган нарсалар ҳақидаги хабар ҳамда нақлларни бошқалардан эшитиш одам учун ўзига нисбатан ғайб бўлган нарсани билишдир. Ўзи гувоҳи бўлмаган нарсалар ҳақида маълумот олиш ҳам шу доирага киради. Ўтмишни ўрганишда мусулмонлардан бошқалар асосан ўша даврга оид осори атиқалар, хабарлар ва ҳужжатларни ўрганган боҳис – мутахассисларнинг хулосасига суянадилар.

Мисол учун, «Бошқалар орасида қадимда фалон жойнинг аҳолиси қайси динда бўлган?» деган савол кўндаланг қўйилди. Бу саволга қандай йўл билан жавоб берилади?

Бунинг учун ўша жойдаги қадимги топилмаларни ўрганган олим «Бу ердан фалон диндаги кишиларнинг диний анжومي топилди, демак, бу ернинг аҳолиси ўша динда бўлган», деган илмий кашфиётни қилади. Мазкур кашфиёт кўпчиликка илмий ҳақиқат сифатида тақдим этилади. Бу кашфиётга ишонмаганлар «илм душмани» деб эълон қилинади.

Бир неча йиллардан кейин худди ўша топилмаларни бошқа бир боҳис ўрганади. У ҳалиги диний анжомлар ўтроқ одамларга тегишли эмас, балки

кўчманчиларники эканлигини кашф қилади. Ерлик аҳолининг дини эса бошқа дин бўлганлигини эълон қилади. Бу олим ҳам ўзининг ўтмишдоши каби илмий унвон олади. Мазкур кашфиёт кўпчиликка илмий ҳақиқат сифатида тақдим этилади. Бу кашфиётга ишонмаганлар «илм душмани» деб эълон қилинади.

Ўтмишдан етиб келган оғзаки хабарларни ўрганиш ҳам юқоридагига ўхшаш бўлади. Хабарнинг ўзини олиб таҳлил қилинаверади. Мазкур хабардан турли фикр ва мулоҳазалар ҳамда илмий хулосалар чиқарилади. Ўша ишни қилган одам олим ҳисобланади, илмий унвонлар олади. Аммо ҳеч ким бу хабар кимлар орқали, қандай йўл билан олимга етиб келганини суриштирмайди ҳам. Тўғри, мазкур хабарни олим қишлоқ ёки шаҳарнинг қариясидан эшитгани, қария эса ёшлик чоғида катталардан эшитгани илмий омонат юзасидан зикр қилинади. Аммо қариянинг илмий омонати ёки катталарнинг хабар нақл қилишга бўлган салоҳиятлари ҳақида ҳеч нарса айтилмайди.

Энди ўтмиш ҳақидаги ёки бошқа бирор маълумот ҳақидаги ҳужжатларни ўрганишга келайлик. Мусулмонлардан бошқаларда фалон жойда қўлёзма топилади. Мутахассислар унинг қоғозини текшириб кўриб, фалон асрга оид эканини аниқлайдилар. Қўлёзмадаги маълумотлар катта илмий кашфиёт бўлади. Уларни ўрганиш орқали инсониятнинг фалон соҳадаги илми яна ҳам бойийдиган бўлади ва ҳоказо.

Қарабсизки, қўлёзмани ўрганган олим илмий унвонларга сазовор бўлади. Илмий асарлар ёзилади. Маърузалар ўқилади. Анжуманлар ўтказилади ва ҳоказо.

Аммо ҳеч ким қўлёзманинг олимнинг қўлига етиб келгунча босиб ўтган йўли, у кимларнинг қўлига тушгани, улар ким экани ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди.

«Сунний ақийдалар» китобидан